

## Замонавий Билим Ва Юксак Маънавий-Ахлоқий Фазилатларга Эга Юқори Малакали Кадрлар Тайёрлашнинг Асосий Омиллари

Авезова Гулшод Сагтаровна, Абдуллаева Сабохон Азатовна

Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия ва спорт университети, ўқитувчилари

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилиш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш борасида тизимли ислоҳотлар мазмун моҳияти очиб берилган. Олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосий омиллари таҳлил қилинган. Замонавий инновацион технологияларни жорий этишнинг таълим самарадорлигини оширишдаги аҳамияти тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** Глобаллашув, таълим, тарбия, инновация, концепция, ислоҳотлар, олий таълим.

Маълумки, глобаллашув жараёни жамият ҳаётининг турли соҳалари қаторида таълим соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, асрлар давомида шаклланган анъанавий ўқитиш усулларини замонавийлаштириш, янги методлар, технологияларни жорий қилиш талабларини кун тартибига қўймоқда. Қолаверса, мамлакатимизда олий таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар замирида миллий таълим муассасаларини халқаро рейтингда ҳамиша юқори ўринларда турувчи олий таълим муассасасига айлантириш мақсади турганлиги бежиз эмас, албатта. Бу ўринда биринчи навбатда, сифатли таълимга эришиш масаласига катта эътибор қаратилади. Албатта, бундай юксак мақсадларга эришишда жаҳоннинг ривожланган давлатлари олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш, чет элдаги нуфузли олий таълим муассасалари билан академ мобиллик тизимини йўлга қўйиш, уни самарали амалга ошириш асосий ўрин эгаллайди.

Ғарб мутахассисларидан У.Макбрайд таъкидлаганидек, “глобаллашув – ниҳоятда кўп маъноли сўз бўлганлиги туфайли уни тўғри англаб олиш доим ҳам қийин бўлган”. Бундай мураккаб жараённи “кимдир юксак технологиялар замони деса, кимдир тафаккур асри, яна биров ялпи ахборотлашув даври сифатида изоҳламоқда”. Глобализация – бу тараққиёт, жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашиш, деб ҳам таъриф бериш мумкин. Ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан ижобий фойдаланиш лозимлигини давр зарурат сифатида намоён этмоқда.

Жамиятимизнинг барча соҳаларини замонавий фикрлайдиган, чуқур билимли, масъулиятни ҳис этадиган, ҳар жиҳатдан етук кадрлар билан таъминлаш масаласига бугун давлат даражасида эътибор қаратилмоқда. Ҳар қандай соҳанинг ривожини, биринчи навбатда, шу йўналишда тайёрланаётган кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Гарчи, энг замонавий техникалар, сўнгги технологиялар соҳага киритилса-да, бинолар реконструкция қилиниб, мукамал бошқарув тизими шакллантирилса-да, кадрлар тайёрлаш масаласида сусткашлик бўладиган бўлса, соҳа ривожига кутилган натижа бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилиш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш борасида тизимли ислоҳотлар амалга ошириб

келинмоқда. Хусусан, олий таълимни модернизация қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 8 октябрь 2019 йил ПФ-5847 - сонли Фармонининг қабул қилиниши бу борадаги устувор йўналишларни амалга оширишда асос бўлиб хизмат қилди.

Ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш, унинг идеалларини шакллантириш тарбиянинг энг муҳим вазифасидир. Ушбу муаммони ҳал қилишда олий таълим тизимини янада такомиллаштириш, унинг ҳар бир талаба шахсини ривожлантиришда етакчи ролини таъминлаш катта аҳамиятга эга. Талаба шахсини ривожлантириш, миллий ўзликни англаш туйғусини юксалтириш, ёшларни мустақил фикрлашга ўргатиш, уларда фуқаролик позициясини шакллантиришга доир мамлакатимизда илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Республикамиз психолог олимлари С.С. Отамуратов [1], Н.С.Сафаев[2] лар шахс миллий ўз-ўзини англашнинг психологик хусусиятларини тадқиқ қилганлар. А.Абдукадиров[3], Н.Н.Азизходжаева[4], У.Ш.Бегимкулов[5], У.К.Толипов[6], Н.С.Сайидахметов[7], Э.Р.Юзликаева[8]ларнинг олий таълим муассасаларида таълимни интенсивлаштириш ва педагогик ҳамда ахборот технологияларини таълим жараёнига тадбиқ этиш орқали талаба ёшларда мантиқий тафаккурни ривожлантиришга доир тадқиқотлари амалга оширилган.

Ривожланиш - бу шахснинг вақт ўтиши билан жисмоний ва руҳий ўзгариши жараёни бўлиб, унинг ҳар қандай хоссалари ва параметрларининг яхшиланишини, кичикдан каттага, оддийдан мураккабга, пастдан юқорига ўтишни назарда тутди .

Педагогик фаолият муҳим динамик муносабатларни ифодаловчи фундаментал компонентларни ўз ичига олади: билим олиш (тадқиқот, имтиҳонлар ва бошқалар); таълим жараёнида мавжуд билимларни узатиш; билимларни тарқатиш (дарсликларни нашр этиш, илмий мақолалар ёзиш); талабаларни тарбиялаш; уларни юксак маънавиятли қилиб тарбиялаш.

Ўқитувчи шахсининг ижодий салоҳиятини шакллантириш тўпланган ижтимоий тажриба, психологик-педагогик билимлар, ғоялар, қобилият ва кўникмалар билан белгиланади, бу эса, энг тўғри ечим ва усулни топиш ва ундан фойдаланиш имконини беради.

Олий таълим муассасалари фаолиятида фан ва таълимнинг интеграцияси профессор-ўқитувчилар таркибининг юқори профессионал ва интеллектуал салоҳиятида ўз аксини топади. Жаҳон академик ҳамжамиятида юқори даражада баҳоланадиган илмий-тадқиқот лабораториялари, илмий бўлинмалари фаолиятининг самарадорлиги олий ўқув юртининг рақобатбардошлик муҳитида асосий роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам давлатимизда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Халқаро тажрибалар таҳлили шуни кўрсатдики, масофадан ўқитиш жараёнида интерактив методлардан борган сари кенг фойдаланилмоқда. Анъанавий таълим жараёнида қўлланиладиган бир неча замонавий усуллар масофавий ўқитиш жараёнида ҳам қўлланилади. Бироқ, таъкидлаш жоизки, масофавий ўқитиш шаклининг ўзига хос хусусияти ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда таълим бериш усуллари бошқача тарзда ташкил этилади. Online ўқитиш шароитида инновацион технологияларни қўллаш натижасида таълим олувчиларнинг мустақил фикрлаш, анализ қилиш, зарурий хулосалар чиқариш, ўз фикрини эркин баён қилиш, уни асосланган ҳолда ҳимоя қила билиш, фаол мулоқот, мунозара, баҳс олиб бориш кўникмалари ривожланиб боради.

Кўп ҳолларда масофавий ўқитишда вебинар дарсларга кўпроқ эътибор қаратилди. Вебинар - махсус дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда, интернет орқали таълим олувчилар билан интерфаол ўқув машғулотларини ўтказиш шакли ҳисобланади. Вебинар термини инглизча “webinar” сўзидан олинган бўлиб, “тармоқ орқали семинар” маъносини билдиради. Бунда ўқитувчи ва талаба бир биридан маълум бир узоқликда жойлашган ҳолда, интернетга уланган компьютер орқали ўқитиш, ўрганиш бўйича биргаликда фаолият юритади. Вебинарда ўқитувчи ва талаба қайси шаҳар, туманларда жойлашганлигига қарамай нафақат бир бирини

кўради, эшитади, бир бири билан савол жавоб қилиши, ёзма равишда мурожаат қилиши ҳам мумкин. Бундай замонавий таълим усуллари хориж давлатларида жуда тараққий қилган.

Таъкидлаш жоизки, олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлиги фақат ўз ижтимоий-маданий вазифасини бажариш эмас, уларни илмий-таълим халқаро марказларига айлантиришни талаб этади. Олий таълимда таълим ва илмий-тадқиқот фаолиятини интеграция қилишнинг мақсадлари биринчи ўринда, илмий тадқиқотларни кадрлар билан таъминлаш, олий таълим ўқув дастурлари бўйича таълим сифатини оширишга қаратилган. Таълим олаётганларни илмий ходимлар раҳбарлигида илмий тадқиқотлар олиб боришга жалб қилиш, таълим фаолиятида фан ва техника соҳасидаги янгиликлар ва ютуқлардан фойдаланишдан иборатдир[9].

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шартларидан бири бу - илм-фан ва техника ютуқларини кенг жорий қилган ҳолда, замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2909- сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги №ПФ-5264 сон “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 27 апрель 2018 йил ПҚ-3682-сон Қарори, “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5 июнь 2018 йил ПҚ-3775-сонли Қарори; “2019-2021 филларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 21 сентябрь 2018 йил ПФ-5544-сонли Фармони, “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 2019 йил 27 август Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 23 сентябрь 797-сон Қарори, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармонида жаҳон илм-фани, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларнинг замонавий ютуқлари асосида жадал инновацион ривожлантиришни таъминлаш, ўқитишда инновацион технологияларни қўллаш масалалари ўз аксини топган.

„Инновация” тушунчасини изоҳлайдиган бўлсак, ушбу ибора “янгиликка оид”, “янгитдан киритилаётган” маъноларни англатади. Ҳозирги кунда барча жабҳаларда ишлатилаётган „инновацион технологиялар” атамасини ишлаб чиқаришда ижобий сифат ва микдор ўзгаришларига олиб келувчи, янги усуллар деб таъкидлаш мумкин[16-18].

Ўқитиш жараёнида педагогик технологиялар ўзига хос булган инновацион ёндашув ҳисобланади. Педагогик нуқтаи назардан таҳлил этганда, у ижтимоий муҳандислик тафаккурининг ёрқин ифодасидир. Бошқача қилиб айтганда, таълим-тарбия жараёнини маълум даражада стандарт ҳолатга солиб, унинг қулай лойиҳасини тузиш билан боғлиқ бўлган тушунчадир.

Шунга асосан таълим муассасаларида фаолият олиб борадиган ҳар бир педагогнинг:

- ✓ инновацион технологияларнинг илмий-назарий, амалий-методик асосларини;
- ✓ унинг моҳият мазмунини, йўналишларини;
- ✓ жаҳон педагогика таълимотида синалган, республикада қўлланилаётган таълим-тарбия жараёнига ёндашувлар тўғрисидаги маълумотларни;
- ✓ педагогик технологияларни дидактик қонуниятлари ва қоидаларини;

- ✓ дидактик жараён лойихасининг интерфаол методларини;
- ✓ шахсга йўналтирилган ўқиш жараёнининг умумлашган педагогик технологияларини ўқитиладиган фанга мувофиқ илғор педагогик технологияларни;
- ✓ ўқув фани бўйича ўтказиладиган дарс лойихасини тузишнинг назарий-амалий асосларини, ўқув ва тарбия мақсадларини ойдинлаштириш қонуниятларини;
- ✓ ўзлаштиришнинг маҳсулдор ва изланувчан даражаларига мўлжалланган педагогик технологиясини;
- ✓ таълим-тарбия мақсадларига эришиш йўллари (усуллари)ни билишни;
- ✓ таълим-тарбия мақсадларига эришилганликни баҳолаш технологиясини;
- ✓ уй топшириқларини мақсадли диагностик таҳлил асосида ўқувчи-ёшларни, ўқув билим коидаларига мос белгилаш технологиясини;
- ✓ ўқув мақсадлари, топшириқлари ва вазифалари каталогини ишлаб чиқишни;
- ✓ ўқув вазифалари, мақсадлари асосида тест топшириқларини тузиш технологияларини чуқур ва атрофлича эгалланган бўлиши шарт.

Таъкидлаш жоизки, педагогик инновациялар таълим сифати ва самарадорлиги юксалишига олиб келади. Шунингдек, жамиятда рўй бераётган ҳар қандай янгиланиш жараёнлари, ислохотлар моҳияти билан узвий боғлиқ ҳолда амалга ошади. Янги педагогик концепцияларга:

- ✓ давлат таълим стандартларининг янгиланиб бораётганлиги;
- ✓ ўқув-методик адабиётлар, дарсликлар, дастурлар;
- ✓ таълим соҳаларига оид классификаторлар мазмун-моҳияти такомиллашиб бораётганлиги туртки бермоқда.

Бундай ўзгаришлар, янгиланишлар педагогик инновацияларнинг таълим жараёнига жадал кириб боришини тақазо этмоқда[10-15].

Демак, таълим тизими ривожланишининг ҳозирги ҳолатини инновацион технологияларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Дарҳақиқат, замонавий инновацион технологияларидан фойдаланиш таълим сифатини оширишга замин яратади. Таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш технологик, педагогик, ташкилий ишлар билан боғлиқ мураккаб ва кўп қиррали масалаларни ҳал этишни талаб этади. Замонавий педагоглар, мутахассислигига оид билимларга эга бўлиши билан бирга, фанларни ўқитишда инновацион технологияларнинг барча имкониятларидан самарали фойдалана олиши, талабаларда бу технологияларни амалда қўллаш малакасини шакллантириб билиши зарур.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Отамуратов С.С. Национальное самосознание социально активной части молодежи его функционирование в условиях независимости Узбекистана (социологический анализ): Автореф. дис...канд. соц. наук. – Ташкент: НУУ, 2000. – 20 с
2. Сафаев Н.С. Психологические особенности национального самосознания студенческой молодежи.: Автореф. дис. ... доктора псих. наук. – Ташкент: НУУ, 2005. – 38 с.
3. Абдукодиров А. Таълимда инновацион технологиялар. – Тошкент: Истеъдод, 2008. – 180б.
4. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство/ Учеб. пособие для магистров всех специальностей. – Ташкент: ТГПУ, 2003. – 193с.
5. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим замонавий ахбороттехнологияларни жорий этишининг илмий-назарий асослари. – Тошкент: Фан, 2007. –143 б.

6. Толипов У.К. Педагогические развития общетрудовых и профессиональных умений и навыков в системе высшего образования: Автореф. дис. ... доктора пед. наук. – Ташкент, 2004. – 51 с.
7. Сайидахметов Н.С. Педагогика амалиетида янги технологияларни куллаш. – Ташкент: Янги авлоди, 2001. – 154 б.
8. Юзликаева Э.Р. Теория и практика подготовки учителя к диагностической деятельности: Автореф. дис. ... доктора пед. наук. – Ташкент: ТГПУ, 2012. – 42 с.
9. Д.А.Шевченко. «Конкурентоспособность вузов. Технология создания, сопровождения и продвижения сайта вуза». – Москва, 2013.
10. Kenzhaeva, K. P. (2023). Humanistic Views in the Work of Alisher Navoi. *Excellencia: International Multi-Disciplinary Journal of Education (2994-9521)*, 1(6), 73-78.
11. Kenjaeva, K. P. (2023). “Beloved of the Heart” Philosophical and Moral-Educational Work of Alisher Navai. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY*, 4(12), 1-6.
12. Kenjaeva, K. P. (2023). “Beloved of the Heart” Philosophical and Moral-Educational Work of Alisher Navai. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY*, 4(12), 1-6.
13. Kenjaeva, K. P. (2023). Basic Requirements for a Modern Personnel Training Model. *International Journal of Formal Education*, 2(12), 407-412.
14. Кенжаева, Х. П. (2023). АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ” АСАРИДА ИНСОНПАРВАРЛИК ҚАРАШЛАРИНИНГ МУҲИМ ХУСУСИЯТЛАРИ. *IJTIMOIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI*, 3(12), 242-247.
15. Pulatovna, K. K. (2023). The Role of Middle Eastern Thinkers In the Spiritual Life of the Timurid Era. *American Journal of Science on Integration and Human Development (2993-2750)*, 1(9), 1-6.
16. Amirkulovna, A. G. (2023). THE ROLE OF MEDICAL CULTURE IN THE PREVENTION OF INFECTIOUS DISEASES. *Best Journal of Innovation in Science, Research and Development*, 605-610.
17. Amirkulovna, A. G. (2023). Modern Methods of Combating Infectious Diseases. *American Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences (2993-2149)*, 1(10), 70-75.
18. Amirkulovna, A. G. (2022). Clinical and Epidemiological Features of Measles in Adults. *Central Asian Journal of Medical and Natural Science*, 3(3), 80-86.